Ушбу сонда:

2 ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР, ПЕНСИОНЕРЛАР *меҳр оғушида*

3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИДАН КИМЛАР ИМТИЁЗЛИ ФОЙДАЛАНАДИ?

4 КАРАТЭЧИЛАР ПАРВОЗИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 10 апрел, сешанба №54 (1068)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БУЮК САРКАРДАГА ЭҲТИРОМ

Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз, маънавиятимизни қайта тиклаш, улуғ бобокалонларимиз руҳларини шод этиш, хотирасини абадийлаштириш имконияти яратилди.

Пойтахтимизнинг энг файзли ва кўркам гўшаларидан бири - Амир Темур хиёбони ҳар йили буюк бобокалонимиз таваллуд куни - 9 апрелда одамлар билан янада гавжум бўлади. Бу гал ҳам эрта тонгданоқ хиёбонга шаҳарликлар ва меҳмонлар, жамоатчилик вакиллари соҳибқирон ҳазратлари хотирасини ёдга олиш учун тўпланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов тадбирни очар экан, мамлакатимиз салоҳияти, қудрати ва ғуруринг ифодаси бўлмиш Амир Темур наинки элимизнинг, балки ер юзи халқларининг тарихида ўчмас из қолирган ўлмас сиймо эканини алоҳида таъкидлади. Сабаби - бобомиз нафақат буюк ҳарбий салоҳиятда, балки беназир давлат арбоби сифатидаги барча мурод-мақсадларида бутун инсониятга тинчлик-осойишталик тилаганлигидадир. Амир Темур ҳазратлари ана шу йўлда пароканда давлатларни бирлаштирди, ул зотнинг даврида мамлакатимиз жаҳонда жуда катта довруғ қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов маросимда сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва ғояси билан соҳибқирон бобомиз хотираларини абадийлаштириш, фаолияти, башарият тарихидаги ўрни ва аҳамиятини чуқур ўрганиб, маънавий меросидан халқимизни баҳраманд этиш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётганини қайд этди. Чунончи, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг марказий майдонларида Амир Темурга улуғвор хайкаллар ўрнатилди. Пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейи бунёд этилди. Давлатчиликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида «Амир Темур» ордени таъсис этилди. Соҳибқиронинг илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси тузилди. Бобомизнинг 660 йиллик таваллуди эса жаҳон миқёсида кенг нишонланди.

Тадбирда темурийшунос олим Турғун Файзиев, Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси раиси Бўрибой Аҳмедов, Тошкент Давлат юридик институти талабаси Дилдора Ҳайитова жаҳонгир бобомиз ўлмас меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида сўзлади.

Тантана иштирокчилари буюк соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

***

Шу куни минглаб юртдошларимиз Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, янги тарихий экспонатларни кўздан кечирдилар.

«Амир Темур - буюк давлат арбоби ва саркарда» мавзуидаги илмий-амалий анжуманда таниқли олимлар, тадқиқотчилар соҳибқироннинг ҳарбий салоҳияти ҳақида сўз юритишди. Анжуман ниҳоясида Ватанимизнинг турли бурчакларидан келган иқтидорли талабаларга жамғарма томонидан таъсис этилган Амир Темур номидаги стипендия топширилди. Бобомиз номи билан аталувчи хиёбонда эса «Қуролли кучларимиз - мустақиллик таянчи» мавзуида ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Соҳибқирон таваллудига бағишланган тантаналар юртимизнинг барча вилоятларида давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Ф А Р М О Н И

О.О.Усмоновни Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ойбек Орифбекович Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 9 апрел.



Наманган электр тармоқлари корхонаси аъзолари меҳнатни муҳофаза этиш юзасидан жамоатчилик назоратини намунали ташкил этиш бўйича ўтказилган вилоят танловида ғолиб деб топилиб, тармоқ касаба уюшмасининг совринини қўлга киритди. Ўз касбининг усталари бўлмиш нурчилар қишлоқларни мунтазам электр энергияси билан таъминлаш учун барча имкониятни ишга солмоқдалар.



И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

МОМОЛАР ДУОСИ

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» пайчилик хўжалиги нафақат Қашқадарё вилоятида, балки республикадаги иқтисоди бақувват жамоалардан биридир. Энг муҳими, бу ерда ишнинг кўзини билиб, ҳар бир юмушга астойдил ёндошилади. Самараси ҳам шунга яраша. Жуда кўплаб хўжалик раҳбарлари бармоқ тишлаб қолган 2000 йилда ҳам жейновликлар ёруғ юз билан чиқишди. 6600 тонна ўрнига 7546 тонна пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 30,1 центнерга тўғри келди. 844 гектар ерда бошоқли экинлар ўстирилиб, давлатга 2687 тонна дон топширилди. Жами 524 миллион сўм даромад олинди. Шундан 106 миллион сўмини соф фойда ташкил этади.

Дарвоқе, олинган фойданинг 20 миллион сўми дивидент сифатида тарқатилади. 45 миллион сўм маблағ бўлинмас фондга, 31 миллион сўм қурилиш ва ободончилик ишларига, 10 миллион сўм ижтимоий ривожланиш фонди учун ажратиши режалаштирилган.

Жейнов Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий қишлоқлардан бири. Қўли гул ҳунармандлар томонидан тўқилган гиламларнинг харидорлари ҳамма жойда топилади.

Хўжалик ҳудудида 2749 та оила бўлиб, 18 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

— Одамларга ғамхўрлик кўрсатиш асосий ишимиз, - дейди хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳайитбой Чўлиев. — Қўмитамиз таркибида 9 та бошланғич ташкилот, 62 та касаба уюшма гуруҳи бўлиб, улар ўз сафларига 1580 нафар аъзони бирлаштирган.

Пайчилик хўжалигида аҳолининг турмуш кечириши учун ҳамма қулайликлар яратилган. 7 та умумтаълим мактаби, 600 ўринли ёзги клуб, 500 ўринли маданият саройи, 2 та кутубхона, 140 ўринли 2 та болалар боғчаси, 100 ўринли касалхона, чойхона, савдо марказлари, бозор, ҳаммом ва бошқа маданий-маиший тармоқлар ишлаб турибди.

Марказий қўрғонда Швейцария технологияси асосида Исроил давлати воситачилигида бир кечакундузда 2000 литр сутни қайта ишлайдиган корхона ишга туширилиб, 50 дан ортиқ кишига иш ўринлари яратилди. 13 оилага мўлжалланган кооператив турар-жой бинолари, мевани қуритиш ва конқервалаш цехи қурилди. Хўжалик ҳудудидаги Жейнов, Айзабод, Булуч қишлоқлари аҳолиси ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди. 20 километр масофага табиий газ қувурлари тортилиб, 2000 га яқин хонадон табиий газ билан таъминланди.

Маъмурият ва касаба уюшмасининг ёрдами билан хўжалик ҳудудида яшовчи кам даромадли, ёш болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз қариялар-нинг ҳар бирига ойига 3 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилаяпти. Ражаб момо Муродова, Ҳайит момо Чориева, Сабдор бобо Муродов каби ёлғиз қариялар хўжалик раҳбарларининг ҳимматидан мамнун. Уларга Ражаб Саидова, Шаҳноза Ражабова сингари патранаж ҳамширалар беркитилган.

Кам таъминланган оилалар ва ногиронларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Биринчи гуруҳ ногирони Рўзибой Ҳайитов, ота-онаси вафот этган Муқумтош Имомоваларга хўжалик томонидан 3 хонали уй қуриб берилди. Айзабод қишлоғида яшовчи Абдимўмин бобо Пўлатовнинг уйи кучли ёнғин туфайли жиддий шикаст кўрган эди. Хўжалик томонидан нафақахўр отахоннинг уйи қайта тикланиб, тўла жиҳозланди. Жейнов қишлоғида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Холмахмат Қиличевга телевизор тузатиш устахонаси қуриб, ҳомийлик ёрдами билан 50 минг сўмга ногиронлик аравачаси туҳфа этилди. Иккинчи гуруҳ ногирони Рўзибой Қораевга эса қурилиш материалларидан ёрдам қилинди. Қаровчисини йўқотган нафақахўр Ўғил момо Фармонованинг уйи тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

— Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш жонкуяр раҳбар Муродилла Саидов бош бўлган пайчилик жамиятимизнинг биринчи даражали вазифасига айланган, - дейди мамнунлик билан хўжалик марказидаги шифохона бош врачи Абдусамат Қулматов. — Яқинда қишлоқ касалхонасига 600 минг сўмга ташхис қўйдиган аппаратуралар совға қилинди. Беморлар учун ҳар йили 200 минг сўмдан ортиқ дори-дармонлар хўжалик ҳисобидан тақдим этилмоқда.

Мактабларнинг ўқувчилари учун 1 миллион сўмлик дарслик ва кўргазмали ўқув қуроллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг болаларига 75 минг сўмлик кийим-кечаклар сотиб олиб берилди. Хўжалик ҳудудида яшовчи нафақахўрлар ва фахрийларнинг электр энергияси ва газдан фойдаланиши учун маблағ ажратилганлиги ҳам уларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик аъзоларини қўллаб-қувватлаш маъмурият ва касаба уюшмасининг доимий эътиборида. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида касаба уюшма аъзоларига хўжалик томонидан нисбатан арзон нархда 3 тонна буғдой, 1 тоннага яқин пахта мойи тарқатилди.

Ҳ.ИЗЗАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 2001 йил 11 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 9 апрел

* * *

Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ҳамда 2001 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида.
2. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
3. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
4. «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
6. «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида.
9. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
10. Бир қатор шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Шу билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

МУҲАММАДҚОДИР - ПРОФЕССИОНАЛ РИНГДА

Машҳур ўзбек боксчиси, Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев АҚШда профессионал рингда ўзининг дастлабки тўрт раундли жангини ўтказди.

Унинг рақиби лас-вегаслик Мухан Вашингтон бу каби беллашувларда анча тажриба орттирган: у 24 та жангдан 15 тасида ғалаба қозонган. Бироқ, унинг Муҳаммадқодир Абдуллаев билан ўтказган 25-жанги боксчимизнинг ғалбаси билан якунланди. Бу ғалаба боксчимизнинг профессионал спорт йўлидаги дастлабки қадами бўлди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Янги Зеландияда Дэвис Кубоги учун Ўзбекистон ва Янги Зеландия теннисчилари ўртасидаги мусобақалар ўз ниҳоясига етди. Спортчилар жаҳон лигасига чиқиш учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўзаро куч синашди.

Икки кунлик мусобақалардан кейин мезбонлар олдинда боришаётган эди.

Мусобақаларнинг учинчи кунида эса якка тартибдаги учрашувлар давом эттирилди. Марк Нилсен ва Олег Огородов беллашувида юртдошимиз ишончли ғалабани қўлга киритди, шунингдек, Алистер Хант ва Вадим Куценко ўртасида кечган беллашувда ҳам ўзбекистонлик теннисчи ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон жамоаси 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, жаҳон лигасига чиқиш учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яқин кунларда қурра ташлаш йўли билан теннисчиларимизга рақиб бўладиган жамоа аниқланади.

(ЎзА).

ҚАРЗДОРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

Меҳнаткашлар иш ҳақини вақтида тўлаш энг яхши ижтимоий ҳимоядир. Буни яхши тушунган Фарғона вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ойлик маош билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу хусусдаги баъзи камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни жойида ҳал қилиш мақсадида кенгашнинг олтита ишчи гуруҳи тузилган. Улар вақти-вақти билан корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларда бўлиб, иш ҳақидан қарздорлик сабабларини атрофлича ўрганмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашда вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда иш олиб бориш яхши натижа бермоқда. Масалан, шу йил феврал ойида 500 га яқин раҳбарлар билан ўтказилган мулоқот кўп нарсани ойдинлаштириб берди. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини қатъий ҳимоя қилиш, муаммоларни жойида ҳал этиш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, агросаноат мажмуида муаммолар кўп. Хусусан, 316 та корхона, ташкилотда иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилган. Муҳим ишга панжа орасидан қараётган кишилар фаолиятига муносиб баҳо берилмоқда. Биргаликда меҳнаткашлар мушкулини осон этишга қаратилган аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Натижаси чаккимас. Масалан, Фарғона туманидаги У.Юсупов номли ширкат хўжалигида 2997 минг сўм, Олтиариқ пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятида 8474 минг сўм иш ҳақидан қарздорлик бартараф этилди.

Бир масала ишчи гуруҳини ўйга толдирди. Яъни, Қўқон шаҳар кўзи ожизлар жамияти ўқув ишлаб чиқариш комбинатида 2000 йил сентябр ойидан буён 202 нафар ходимга иш ҳақидан катта миқдорда қарздорлик борлиги аниқланди. Бу комбинат томонидан ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида юзага келган. Масала мутасадди идоралар олдига кўндаланг қўйилди: натижада ушбу комбинат директори В.Охунов вазифасидан бўшатилди. Бош ҳисобчи М.Йўлдошевга ҳайфсан эълон қилинди.

Ишчи гуруҳининг таъсир кучи сезиларли бўлаяпти. Корхона, ташкилотларнинг раҳбару мутахассислари масъулиятни ҳис қилиб, астойдил ҳаракатга тушдилар. Шу аснода хўжаликлар омборларида мавжуд бўлган маҳсулотлар ишловчилар талабига кўра иш ҳақи ҳисобидан натура тарзида берилмоқда. Шунингдек, боғларни ижарага бериш ёки сотишдан тушган маблағлар ҳам қарздорликни тугатишга сарфланмоқда.

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда шубҳасиз қонунга суянилади. Ҳақли эътирозлардан, ёзма мурожаатлардан тегишли хулоса чиқармаётган мутасаддилар билан жиддий шуғулланишга тўғри келмоқда. Уларда қарздорликни бартараф этиш учун судга ҳужжатлар тайёрланмоқда. Масалан, Ёзёвон туманидаги Охунбобоев номли, И.Юсупов номли, «Хонобод», «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларида ана шундай йўл тутилди.

Ишловчилар билан жонли мулоқотлар касаба уюшмалари фаолиятини янада жонлантириш, жойлардаги шароит билан яқиндан танишиш, тадбирларнинг ҳаётийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

А.ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

10 ЙИЛЛИГИГА

«Ўзини мулкдор, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқаради»...

СИРДАРЁ ТАДБИРКОРЛАРИ

тўйга муносиб тўёна ҳозирлашмоқда

Башарти шундай экан, табиий бир савол туғилади: Хўш, бу туйғуни ҳис этаётганлар Сирдарёда кўпми? Бир қарашда бу савол ғалати туюлиши ҳам мумкин. Аммо тан олиш керак, булоқлар аллақачон кўз очди. Ирмоқлар дарёларга уланди. Шу ўринда бир ҳолга тўхталиб ўтишга тўғри келади. Беш-олти йил муқаддам келин қилган мирзачўлликнинг бир оёғи Бухоро-ю Самарқандда бўларди. Дўппи Қўқондан, яхши кетмон Ўратепадан изланарди. Булар майда-чуйдалар бўлиб кўринса-да аслида турмушимизнинг эҳтиёжи. Чўлқуварлар пахта-ю, шолидан бошқасини билмасди. Бугун-чи? Ўтган йили яратилган 6090 та янги иш ўринлари тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса 1999 йилдагидан 2495 та кўп одам иш билан таъминланди демакдир. Айни чоғда вилоятда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизи тадбиркорлар улушига тўғри келади. Кўриниб турибдики, сирдарёликларда ҳам бунёдкорликка, яратувчанликка иштиёқ баланд.

Яқинда «Ташаббус» танлови поёнига етди. Илк босқичда 350 нафар тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан иштирок этишди. Сирдарё тамғаси билан тайёрланган буюмлар нафақат мамлакатимиз, балки хорижлик истеъмолчилар кўзини ҳам қувонтираётир. Вилоятда рўйхатга олинган 5767 та ўрта ва кичик бизнес субъектларининг аксарияти оёққа туриб олди. Дарвоқе, шу анжуман баҳона эл-юртга наф келтираётган ишбилармонлар фаолияти билан танишдик.

Ш.Рашидов туманида истиқомат қилувчи Ойлар Холбоева номи кўпчиликка таниш. У бир неча бор вилоят ва мамлакатда эътироф этилган ҳунармандлардан. Ўн нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган опа Сир воҳаси ҳунармандчилигининг тикувчилик, қуроқчилик, каштачилик ва тўқувчилик турларини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. 50 дан зиёд шогирд тайёрлаган. Унинг таълимини олганлар момоларимиз меросини янги чўққиларга олиб чиқишяпти. У тиклаган қадим мактаб асосида фаолият юритаётган «Зебо» хусусий корхонаси, «Шаҳноза», «Зебо» фирмалари азалий анъаналаримизни оммалаштирмоқда. Тиниб-тинчимас аёл Усмон Юсупов номли мактабда «Уста ва шогирд» ўқув марказини очиб 30 дан зиёд қизга ўз ҳунарини ўргатмоқда. Ойлар Холбоева ва унинг шогирдлари қалб қўри билан яратаётган нафис ва бежирим чимилдиқ, жияк-бош, сўзана, бешик анжомлари, болалар тўни, олача, чопон, манглайқош, кашта ёстиқ, яхтик, диван чойшаби ва автомобил қўрпачалари, жияк, қуроқ ва ёстиқларга воҳада талаб катта.

Гулистонлик Мавжудахон Мирбаратова эса «Зарина» фирмасига асос солди. У бошлиқ жамоа ўтган йили 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотди. Бу йил 10 миллион сўмлик маҳсулотга шартнома имзоланган. Фирмада ишловчиларнинг ўртача ойлиги 18-20 минг сўм. Мавжудахон айни дамда пиллани қайта ишлаш цехи ҳамда «Ёшлар дискотекаси» очиш ҳаракатида.

Интилишлар самараси натижасида хориж сармояси ҳам Сирдарёга йўл топиб келди. «Сайхунпоя», «Сайхунжел», «Бахтқишхўжмаш» «Туркистон-С» тадбиркорлари ҳам жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлишга интилмоқда. Сирдарё туманидаги «Дони» уруғчилик фирмаси АҚШ, Россия, Украина, Озорбайжон каби мамлакатлардан мижозлар орттирди. Ховосликлар ҳам отни қамчилаган. Тумандаги «Мустақиллик» кичик корхонаси 217 минг АҚШ долларига тенг Исроил технологияси асосида қаймоғи олинмаган сутни қайта ишлайдиган заводга лизинг асосида эга бўлди.

— Кичик ва хусусий корхоналарда меҳнат муҳофазасини ўрганиб чиқдик, - дейди вилоят тадбиркорлар касаба уюшма қўмитаси раиси Эргаш Бўриев. — Мамнуният билан таъкидлаш жоиз, ижтимоий муҳофаза яхши йўлга қўйилганлиги боис ойлик маошдан қарздорлик йўқ. Меҳнатга яраша рағбат, ҳурмат бор. Ўртача даромади бошқа соҳалардан анча юқори.

Тадбиркор замон билан ҳамнафас яшаши лозим. У ўзгалардан илгари одимлаши, келажакни кўра билиши керак. Вилоят тадбиркорлар палатаси ташаббуси билан ўтган йили 1415 нафар ишбилармонга турли ўқув марказларида малака ошириш имкони яратиб берилди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва савдосини яхшилашга хизмат қилмоқда. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: кичик ва ўрта бизнес субъектлари 2000 йилда 623091,8 минг сўмлик маҳсулот экспорт қилишга эришди. Тадбиркорликни ривожлантириш учун 530,7 миллион сўм микрокредит ажратилганлиги кутилган самарани берди.

Юртбошимизнинг **«Ҳар бир фуқаро оддий кузатувчи ва истеъмолчи бўлиб қолмасдан жамиятимизда рўй бераётган ислоҳот ва демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши даркор»**, деганлари ҳар бир сирдарёлик ишбилармоннинг қалбидан чуқур ўрин олган. Шу боис вилоятда хусусий тармоқ жадал ривожланмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

РАВОН ЙЎЛЛАР - ЮРТ КЎРКИ



Юрт жамоли ва кўрки йўлларнинг равон бўлишида ҳам ўз ифодасини топади. Қувончлиси шуки, мустақиллик йилларида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, бундай хайрли ишларни амалга ошираётган Қорақалпоғистон Республикаси автомобил йўллари вазирлигига қарашли Нукус автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси фаолиятини алоҳида таъкидламоқ керак.

Мазкур жамоанинг меҳнатидан нукусликлар мамнун бўлмоқда. Чунки республикамизнинг кўпгина жойларидаги йўл таъмирлаш ишларида шу жамоанинг қўли бор. Айни чоғда бошқарма ишчилари Нукус-Тўрткўл магистраль йўлида катта таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда. Нукусдан 22 километр узоқликда олиб борилаётган иш кўлами 3 километрни ташкил этади.

Суратларда: 1. Нукус-Тўрткўл магистраль йўлида. 2. Ҳайдовчи Бозорбой Баубеков.

Омонбой МУРАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Дастурига мувофиқ Бухоро вилоятида замонавий шифо масканлари сони яна биттага кўпайди. Яқинда шошилинч тиббий ёрдам маркази Қорақўл туман бўлими фойдаланишга топширилди. Уни бунёд этиш давомида 25 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Янги марказ 30 ўринга эга бўлиб, унда жарроҳлик, терапия, болалар хасталиклари бўлимлари, беморларга ташхис қўйиш лабораторияси, функционал диагностика бўлими фаолият кўрсатмоқда.

(ЎзА).

2001 йил - Оналар ва болалар йили

АСЛИ ДУНЁ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН

Фарзандларимизнинг соғлом туғилиши ва вояга етиши энг катта орзуларимиздан бири. Лекин бунга эришиш осонмас. Фарзанд саломатлиги ҳақида у ҳали дунёга келмасданоқ қайғуриш кераклигини шифокорлар ботбот уқтирадилар. Зеро, ҳомиладорлик даврида она касалликка чалинмаслиги жуда муҳим. Агар аёл фарзанд шаклланаётган кезларда бефарқлик қилиб касалга чалинса ёки ота-она спиртли ичимликка рўжу қўйса, жабрини аввало гўдак тортади.

Тошкентдаги 1-ақли заиф болалар интернатида бўлганимизда, қўлоёғи чангак бўлиб туғилган болани кўриб «Нега бундай туғилган?» деганимизда, онаси ҳомиладорлик даврида грипп билан қаттиқ оғригани, шифокорларга вақтида мурожаат этмаганлигини таъкидлашди. Нозик дамдаги хато қимматга тушди ва уни энди ҳеч ким тузатолмайди.

Инсон бутун фаолияти давомида асаб системаси устувор йўналиш касб этишини, унинг ҳолдан тойиши туфайли организмда касалликлар пайдо бўлишини кўпчилик билади. Бироқ инсоннинг орзу-умидлари рўёбга чиқиши, бахтли бўлиши учун аввало биз таъкидлаётган асабнинг мустаҳкам бўлиши кераклигини айримлар лозим даражада тасаввур этолмайдилар. Ҳеч ким она қорнидан омадли ёки бўшанг, қатъиятли ёки журъатсиз бўлиб туғилмайди. Мутахассис-психологларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, инсон характери асосан йигирма ёшгача шаклланади. Характернинг қай даражада шаклланиши асаб системасига, миянда кечадиган жараёнларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

- Она ва боланинг тез-тез шамоллаши, бош мия чайқалиши ҳали шаклланиб улгурмаган асаб тизимининг жароҳатланишига олиб келади, - дея суҳбатни давом эттиради профессор Турсун Исмоилов. - Бундай органик зарарланиш, агар бола нотинч оилада, яъни ота-она ўртасидаги жанжаллар, нохушликлар муҳитида тарбияланса, авж олиб кетади, ўз вақтида тузалиб кетишига халақит беради, феъл-атворини бузади.

- Тиббиёт ходимлари руҳий касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида кўп ҳам гапиришни хуш кўрмайдилар. Инсон руҳияти ҳақида алоҳида қайғурадиган вақт аллақачон етмадимикан?!

- Биз - шифокорлар ҳам худди шу фикрдамиз. Бахтга қарши дастлабки кезларда беморларнинг ҳаммаси ҳам ҳузуримизга келавермайди. Ниҳоятда оғирлашган, ноилож аҳволда қолган одамларгина психиатрга мурожаат қиладилар. Хўш, уларнинг шу куйга тушишига сабаб бўлган омиллар нима?

Фарзандни яхши кўриш бу биологик инстинкт. Айтайлик, бир оилада анча йиллардан буён орзиқиб кутилган фарзанд дунёга келди. Бу гўдак тилаб олингани учун ҳам ҳамманинг диққат марказида бўлади. Айниқса, ота-она уни еру кўкка ишонмайди. Вақти келиб, бола қиладиган ишни бошқалар ўз зиммасига оладилар. Бундай кучли ҳомийлик шароитида вояга етган фарзанд номустақил, инжиқ, тайёрга айёр бўлиб қолади. Ҳаёт мураккаб. Ота-онани, яқинларини бир умрга боғлаб бериб қўймаган. Энди унинг атрофидаги одамлар ота-онасидек меҳрибончилик қилмаётгани асабини буза бошлайди. Кўплар билан чиқиша олмайдиган, тез жаҳли чиқадиган шахсга айланади. Бу фарзанднинг келажакда омадсизлигига пиллапоя бўлади.

Ҳар бир оилада муҳит, шароит ҳар хил. Ота-онанинг болага нисбатан бемеҳрлиги унда норозилик уйғотади. Тарбиядаги нўноқлик, жеркиш, дўқ-пўписа ўсмир марказий асаб тизимига салбий таъсир қилиб, уни ишдан чиқаради.

- Асли дунё меҳрдан яралган, деган гапда олам-олам маъно бор. Шу ҳақда чуқурроқ фикр юритсангиз.

- Турмуш ўртоғим болалар дўхтири. Бир куни унинг олдига «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган қизчани олиб келишади. Шифокор керакли муолажаларни қилгач, қизалоқни бағрига босиб эркалайди, ширин гапириб кузатади. Буни қарангки, ўшандан бери ҳалиги қизча бот-бот шифокор олдига келиб-кетадиган бўлди. Бола меҳрга ташналигининг исботи эмасми бу! Дунёда боланинг кўнглидан нозик нарса йўқ. Чақалоқ ҳам яхши-ёмон гапираётганингизни, ҳатто алдаётганингизни ҳис қилиб туради. Алдагани бола яхши, дейишади. Аммо уларни бир-икки алдасангиз, иккинчи марта сизга ишонмай қўяди. Кўнгли совиб, узоқлашганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

Меҳр болага она сути билан киради. Она сути гўдакни соғлом, бардам бўлишини таъминлашдан ташқари, руҳан тетик бўлишида ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳозирда туғруқхоналарда гўдак дунёга келган кундан бошлаб онасининг ёнида ётиши жуда маъқул гап. Боиси, у она меҳрини ҳис қилиб ётади.

Ота-она фарзанд тарбияси, унинг камолоти ҳақида алоҳида қайғуриши керак. Зурриёднинг қизиқиши, интилиши, қобилияти алоҳида ҳисобга олиб борилиши даркор. Вақти-вақти билан фарзандга ҳаётдан сабоқ бериш, қалбида ҳаётга, одамларга эзгу ҳислар уйғотиш, бу йўлдаги ҳар бир саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ақли расо кишиларнинг ишидир. Меҳрга тўймаган фарзанд жоҳил, жиззаки бўлади. Бепарволик, ўзибўларчилик оқибатида у ёмон йўлларга ҳам кириб кетиши мумкин. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп. Шу ўринда ёшларимизни асрайлик, деган гапни биз - шифокорлар ҳам алоҳида таъкидлаган бўлардик.

Эътибор қилганмисиз, баъзи фарзандларимиз боғчага боришни хоҳламайдилар. Ота-она вақти келса уни турткилаб, боғчасига етаклайди. Бунинг биринчи сабаби шуки, жажжилар масканидаги тарбиячиларда аввало меҳр, ўз ишига масъулият етишмаётганидир.

Фарзанд ҳаёт гули, умр меваси. Уни ёшлигидан тўғри тарбиялаш, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Инглиз олими ва ёзувчиси Олдос Хаксли «менга энг яхши оналарни беринг, шунда мен дунёни яхшилайман», деган сўзида олам-олам маъно бор!

Барно СУЛТОНОВА,
«Ишонч» мухбири.

10 МАҲАЛЛАГА 3,5 МИЛЛИОН

«Конимехгаз» корхонаси ишчи-хизматчилари ҳам мустақиллик байрамининг 10 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда Шўркўл қишлоғидаги 100 хонадонда табиий газдан баҳраманд бўлди. Шу кунларда чўл ҳудудида жойлашган «Саржал» ширкат хўжалигининг «Ўрозжон» фермасини газлаштириш ишлари жадал бошлаб юборилди. Йил охиригача мавжуд 200 хонадон тўла газлашади.

Шуниси ҳарактерлики, иш сифати ва суръатининг ошиши ишловчилар моддий манфаатдорлиги ошиши ҳамда янги иш ўринлари яратилишига олиб келди. Шу кунларда бу ерда ўртача иш ҳақи 20 минг сўмга тўғри келмоқда. Янгидан ташкил этилган «газмонтаж» бригадасига 5 киши ишга жойлашди.

Корхона нафақат ўз ишчиларига, балки атроф маҳаллалардаги ночор хонадонларга ҳам моддий ёрдам кўрсатмоқда. 2 нафар ногирон болани ўз ҳомийлигига олиб, уларга баҳоли қудрат кўмаклашмоқда. «Булдиршин» болалар боғчаси корхона кўмаги билан бепул газлаштириб берилди. Шунингдек, 10 та маҳалла ҳисоб рақамига шартнома шартлари тўла бажарилиб газ тўловлари ўз вақтида тушириллгани учун 3,5 миллион сўм ўтказилди. Бу маблағлар кам даромадли оилалар эҳтиёжи учун сарфланди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР, ПЕНСИОНЕРЛАР

меҳр оғушида

Бозор шароитида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларга моддий ва маънавий мадад кўрсатиш ҳар бир раҳбарнинг муҳим вазифасидир. Қамаши туманида республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори изчиллик билан амалга оширилмоқда.

2000 йил 20 апрел ва шу йилнинг 18 январ куни содир бўлган зилзила барча ташкилотлар қатори ижтимоий таъминот соҳаси ходимларининг ҳам ташвишини янада оширди. Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими мудири Саодат Ҳамидова жамоа билан тезкор мулоқот ўтказиб, уларга аниқ топшириқлар берди.

— Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва жамғармалар билан келишган ҳолда маҳалла ва қишлоқларда бўлиб аҳволни ўрганиб чиқдик, - дейди С.Ҳамидова. —Ҳисобимизда турган ночор оилалар ва ногиронларнинг уйларини таъмирлаш учун қурилиш ташкилотлари биркитиб чиқилди.

Тадбирларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди. Қисқа муддатда 71 нафар ногироннинг уйи ташкилотлар ҳисобидан таъмирлаб берилди, уларга етарли миқдорда қурилиш материаллари ажратилди.

Туманнинг Ойбек маҳалласидан уруш қатнашчиси Алла Худойбердиев, ёлғиз фуқаролар Улуғ Раупова, Хайла Шукуров, Хурсанд Шойимова, Улуғбек маҳалласидан Олга Сафарова, Ҳалима Жумаева, Жонгул Жўраевалар-нинг уйлари ҳомийлар ёрдамида таъмирдан чиқарилди.

Туманда 17918 нафар пенсия ва нафақа олувчи бор. Шундан 2129 нафари касаллик бўйича ногиронлик пенсияси олувчилардир. Уларга ўтган йили 1 миллиард 115 миллион, шу йилнинг ўтган ойлари давомида 300 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тарқатилди. Касалхоналарда ногиронларни соғломлаштириш учун 28 ўрин ажратилган ва улар бепул озиқ-овқат ҳамда дори-дармонлар билан таъминланмоқда.

Ўтган давр мобайнида 16 кишига 85855 сўмлик тиш протезлари бепул қўйиб берилди. 100 дан ортиқ пенсионер республикамизнинг Олтиариқ, Товоқсой, Нурбулоқ, «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳларида текин даволанди. 759 кишига 1 миллион 426 минг сўмлик дори-дармонлар бепул берилди. 4 нафар ногиронга ногиронлик аравачаси топширилди.

Зилзила келтирган зарарни қоплаш мақсадида уруш ногиронларига 502 минг сўмлик фоизсиз ссудалар ажратилди. 60 нафар ўзгалар мададига муҳтож қарияларга 9 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бепул тарқатиш учун 1 миллион 194 минг 776 сўм сарфланди.

Туманда яшовчи ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар марказий поликлиника шифокорлари назоратида бўлиб, улар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ногиронлар эшитиш мосламалари, қўлтиқоёқ, протез ва ортопедик анжомлар олишди. Газлаштириш, ичимлик суви таъминоти, почта, алоқа идоралари, ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмалари билан шартномалар тузилиб, шундай инсонларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Ўзгалар ёрдамига муҳтожлар, кам таъминланган оилалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган оммавий-маданий тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда ижтимоий таъминот ходимлари ўзларининг амалий ишлари билан инсонлар қалбига нур бағишламоқдалар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИДАН КИМЛАР ИМТИЁЗЛИ ФОЙДАЛАНАДИ?

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Биз Марказий касалхонада врач бўлиб хизмат қиламиз. Турмуш ўртоқларимиз эса маориф тизимида ўқитувчи. Касалхона ҳисобчилари бизни табиий газ ва электр қувватидан фойдаланишдаги имтиёздан маҳрум қилишди. Бу тўғрими? Ишлаётган пенсионерлар бу имтиёзлардан фойдаланадими, улар санаторияга имтиёзли йўлланма олишлари мумкинми?

С.Тожибоев,
Н.Ражабов,
З.Гуломов,
С.Юсупов.
Ўрта Чирчиқ тумани.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 октябрдаги 392-сон қарори асосида қишлоқ жойда ҳам яшаб, ҳам ишлаётган врачлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларига маиший хизмат кўрсатишдан, яъни яшаётган хоналарини иситишда бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Кўрсатиб ўтилган тиббиёт ходимлари ўз хоналарини иситишда марказлаштирилган иситиш тизимидан фойдаланишлари мумкин. Табиий газдан фойдаланилганда фақат хоналарни иситишда имтиёз берилади. Агар табиий газ бошқа мақсадларда фойдаланилса, бу имтиёзга эга бўлганлар ҳам умумий асосларда ҳақ тўлашлари керак бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сон қарори билан хоналарни иситишда газдан фойдаланган ҳар бир тиббиёт ходимининг имтиёзли тариф меъёри тасдиқланган. Бу тасдиқланган меъёрга асосан тиббиёт ходимининг иситиладиган яшаш хонаси 40 метр квадрат майдони ҳисобидан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси учун бир ойлиги 240 метр куб, бир йиллиги 2880 метр куб, бошқа вилоятлар учун бир ойлиги 220 метр куб, бир йиллиги 2640 метр кубдан ҳақ олинмайди. Кўрсатиб ўтилган меъёрлардан ортиғига умумий тариф бўйича ҳақ тўланади.

Республикамиз ҳудудида газ билан таъминланмаган ҳамда марказлаштирилган иситиш тизими йўлга қўйилмаган қишлоқлар ҳам мавжуд. У ерда ишлаётган тиббиёт ходимлари тиббиёт муассасалари томонидан иситиш даври учун бир тонна кўмир билан таъминланиши керак.

Қишлоқ жойларида ҳам яшаб, ҳам ишлаётган врачлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари электр қувватидан бепул фойдаланадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги 582-сон қарорига биноан электр қувватидан имтиёзли фойдаланиш ойига 110 квт соатни ташкил этади, ходим ундан ортиқ фойдаланганлиги учун амалдаги тўлиқ тариф асосида ҳисоб-китоб қилади.

Кўрсатиб ўтилган тиббиёт ходимлари хоналарни иситишдан ва электр қувватидан имтиёзли фойдаланади дегани газ, марказлаштирилган иситиш тизими ва электр қуввати билан таъминловчи идораларга ҳеч қандай ҳақ тўланмайди деган гап эмас.

Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бу харажатларни ҳисобга олган ҳолда смета тузилиб, улар томонидан мазкур идораларга ҳақ тўланиши зарур. Айрим ҳолларда календар йилнинг бошида бу харажатлар ҳисобга олинган ҳолда смета тузилмайди ва маҳаллий молия органларидан рўйхатдан ўтказилмайди. Натижада молия органлари томонидан бу харажатлар учун пул маблағи ажратилмайди ва ходимлар бу имтиёзлардан фойдалана олмайдилар. Бу ўринда иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўзларининг тезкор ишчанлигини кўрсатишлари керак.

Тиббиёт ходимларига хоналарини иситишда ва электр қувватидан фойдаланишда кўрсатилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишлари тўғрисида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1997 йил 25 июндаги 06-9/356-сонли хати ҳозирги кунда ҳам амалда.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзлардан фойдаланувчи тиббиёт ходимлари (ишламаётган пенсионерлар ҳам) шуни ёдда тутишлари керакки, оилада бу имтиёзлардан фойдаланувчиларнинг сони нечта бўлишидан қатъий назар фақат бир киши бу имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Пенсиядаги шахс пенсияга чиқишдан олдин тиббиёт соҳасида қишлоқ жойда яшаб ишлаган иш стажи ўн йилдан кам бўлмаса ва қишлоқ жойда истиқомат қилса, бу кўрсатилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Шундай экан фақат қишлоқ жойда ҳам яшаб, ҳам ишлаётган юқорида кўрсатиб ўтилган тиббиёт ходимлари ва пенсияга чиқишдан олдин ўн йил давомида бу имтиёзлардан фойдаланиб келган шахслар яшаётган хоналарни иситишдан ҳамда электр қувватидан бепул фойдаланадилар.

Пенсиядаги шахслар санаторияга имтиёзли йўлланма олиши учун Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Низомига мувофиқ, албатта, касаба уюшма аъзоси бўлиши ва аъзолик бадал тўлашлари шарт. Шундан кейингина уларга навбат асосида санаторияга йўлланма берилади.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

103-Конвенция Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги (1952 йилда қайта кўриб чиқилган) Конвенция (қисқача мазмуни)

Ушбу Конвенция саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳамда уйда ишлайдиган аёлларга тааллуқли деб ҳисобланади.

Унга асосан аёллар уларнинг болалик бўлиши тахмин қилинаётган муддати кўрсатилган тиббий маълумотнома асосида ҳомиладорлик ва она бўлиш муносабати билан таътил олиш ҳуқуқига эга ва таътилнинг муддати энг ками билан 12 ҳафта қилиб белгиланади, бунга она бўлиш муносабати билан таътил даври ҳам киради.

Она бўлиш муносабати билан таътил муддати ҳар бир мамлакатнинг қонунлари томонидан ўрнатилади, лекин 6 ҳафтадан кам бўлмаслиги лозим.

Ҳомиладорлик ва она бўлиш муносабати билан таътилдаги аёллар учун ёрдам пули ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унинг миқдорлари аёлнинг ўзи ва унинг фарзанди учун гигиена нуқтаи-назаридан яхши турмуш шароитлари ва тегишли турмуш даражасини таъминлай оладиган тарзда ўрнатилади.

Ёрдам пули ва тиббий ёрдам мажбурий суғурталаш тизими маблағларидан ёхуд давлат жамғармалари ҳисобидан кўрсатиб ўтилган шартларга жавоб берадиган барча аёлларга берилади.

Эмизикли, боласи бор аёл болани овқатлантириш учун иш куни давомида битта ёки бир нечта танаффус олиш ҳуқуқига эга, танаффусларнинг муддати мамлакат қонунлари билан белгиланади.

Болани овқатлантириш танаффуслари иш соатлари деб ҳисобланади ва қонунлар билан тартибга солинган тақдирда улар учун ҳақ тўланади, агар қонунларга мувофиқ бу масала жамоа шартномалари орқали тартибга солинадиган бўлса, тегишли тартиб шартномалар билан белгилаб қўйилади.

Аёл мазкур қоидаларга мувофиқ бериладиган ҳомиладорлик ва она бўлиш муносабати билан таътилда бўлган вақтда тадбиркор томонидан уни ишдан бўшатиш тўғрисида берилган буйруқ ноқонуний деб ҳисобланади.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шарҳи

Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилган.

Миллий қонунчилик ҳужжатларида оналикни муҳофаза қилиш бўйича мазкур Конвенцияга нисбатан имтиёзлироқ шарт-шароитлар яратилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси оналик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиниши кафолатлайди.

Меҳнат кодексининг 233-моддасига биноан аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққандан кейин эллик олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календар) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъий назар аёлга тўлиқ берилади.

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта, ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Бу танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгилаб қўйилади. (236-модда).

Меҳнат кодексининг 237-моддаси ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузиладиган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни тақиқлайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади.

НАЗОРАТЧИНИНГ ХАТОСИ

Сирдарё вилояти прокуратураси вилоят «Сувназорат» инспекциясининг раҳбари Ҳошим Долиевга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатди.

- Сув исрофгарчилигининг олдини олиш инспекциянинг бош вазифаси. Бироқ бу фаолият қонун доирасида бўлмоғи керак, - деди вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи Турғунбой Худойбердиев «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Ўтган йили инспекция ходимлари томонидан сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан 157 та маъмурий иш қўзғатилиб, 608 минг 495 сўмлик жарима солинган бўлса-да, маблағнинг 60 фоизи ҳалигача ундириб олинмаган. Ундирилмаган жарималарнинг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 333-моддаси таркибида мажбурий ижрога қаратилмасдан фақат суд идораларига материалларни тақдим этиш билан чекланилган. Бу билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332-моддаси талаблари қўпол равишда бузилган. Ҳужжатларнинг нотўғри расмийлаштирилганини айтмайсиз... Инспекция томонидан чиқарилган қарорларнинг асослантирувчи қисмида Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 262-2-моддасида кўрсатилган. Аслида эса бу модда бўйича сув назоратчилари эмас, божхона ходимлари иш юритадилар.

Т.Худойбердиевнинг таъкидлашича, қонунни билмаслик кишини жавобгарликдан озод қилмайди. Айниқса, мансабдор шахсни. «Сувназорат» инспекция раҳбари Ҳошим Долиев сув исрофгарчилиги бўйича тузилган ҳужжатларга кўзини чирт юмиб имзо чекаверган. Баённомаларда уни тузган шахснинг лавозими, гувоҳлару ҳуқуқбузарнинг исми-шарифи, санаси, манзили тўлиқ кўрсатилмасдан, тушунтириш хатлари олинмасдан қолган. Масалан, Гулистон туманида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, тузилган баённомаларнинг 12 тасида холисларнинг манзиллари, 16 тасида жавобгарликка тортишда қўлланилган модданинг қисми кўрсатилмаган, тўққизта қарорда уни чиқарган шахснинг имзоси йўқ. Ховос, Меҳнатобод, Боёвут, Шароф Рашидов, Оқ олтин ва Мирзаобод туманларида тузилган 43 ҳужжатда ҳам шу хилдаги пала-партишлик рўй бергани ачинарли ҳолдир. Инспекция ходими Баҳодир Биболаев қонунни билмагани оқибатида Шароф Рашидов туманидаги Темур Малик деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасининг бош мироби А.Боймуродовга МЖ тўғрисидаги кодекснинг 76-модда 2-қисми билан эмас, балки 74-модда 1-қисми билан маъмурий жазо белгилаган. Назоратчиларнинг ўзи қонунни билмаса, унга беписандлик билан муносабатда бўлса, бошқалардан нимани кутиш мумкин? Очиғи, бу саволга инспекция раҳбари жўяли жавоб бера олмади.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси инспекциянинг яна 22 та қарори қонунга зид равишда қабул қилинганини аниқлади ва «Сувназорат» инспекция раҳбари Ҳошим Долиевга нисбатан интизомий жавобгарликка тортилди.

— Тадбиркор ўзининг ҳуқуқини билиб, ҳуқуқ идораларига ўз вақтида мурожаат этса, адолатсизликка чек қўйилади. Моддий ва маънавий зарар кўришининг олди олинади, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига адлия вазирлиги назорат бўлимининг бошлиғи Соҳибжон Ҳотамов. — Фермер хўжаликларининг тугатилиш тартиби қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, уларнинг фаолияти кўпинча ширкат хўжалиги раиси ёки туман ҳокимининг қарорига асосан ноқонуний тарзда тугатилиб юборилмоқда.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани «Ҳаққулбобо» фермер хўжалигининг уч гектар ери жамоа хўжалиги ва туман ҳокимининг қарори билан олиб қўйилиб, фермер фаолияти тўхтатилган. Вазият жойида ўрганилиши натижасида ер эгасига қайтариб берилди. Қонун бузилиши натижасида етказилган 620 минг сўмлик моддий ва 200 минг сўмлик маънавий зарар айбдор шахслардан ундириб берилди. Худди шундай ҳолат бўйича мазкур тумандаги «Тешабой» фермер хўжалиги фойдасига ҳам 392 минг 612 сўмлик моддий ва 200 минг сўмлик маънавий зарар ундириб берилди.

Ҳозирги кунда адлия идоралари фермер хўжаликларига ер майдонларининг ажратилиши ва ерларни олиб қўйилишида амалдаги қонунчиликнинг қай тарзда бажарилишига асосий эътиборни қаратмоқда.

«Туркистон-пресс».

Хоразм вилояти Шовот туманидаги «Мурод» савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Ш.Назаров «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими томонидан кредит шартномаси талаблари бир томонлама бажарилаётганлигини адлия идораси маълум қилди.

ИШЛОВЧИ ҲУҚУҚИНИ БИЛСА...

Унга кўра, кредит муддати 5 йилдан 2 йилга ҳамда кредит фоизи 14,4 дан 21,6 фоизга ўзгартирилаётган экан. Адлия идорасининг аралашувидан сўнг кредит шартномаси ўзгартиришсиз қолдирилди. Банкнинг туман бўлими раҳбарлари эса интизомий жавобгарликка тортилди.

— Тадбиркор ўзининг ҳуқуқини билиб, ҳуқуқ идораларига ўз вақтида мурожаат этса, адолатсизликка чек қўйилади. Моддий ва маънавий зарар кўришининг олди олинади, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига адлия вазирлиги назорат бўлимининг бошлиғи Соҳибжон Ҳотамов. — Фермер хўжаликларининг тугатилиш тартиби қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, уларнинг фаолияти кўпинча ширкат хўжалиги раиси ёки туман ҳокимининг қарорига асосан ноқонуний тарзда тугатилиб юборилмоқда.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани «Ҳаққулбобо» фермер хўжалигининг уч гектар ери жамоа хўжалиги ва туман ҳокимининг қарори билан олиб қўйилиб, фермер фаолияти тўхтатилган. Вазият жойида ўрганилиши натижасида ер эгасига қайтариб берилди. Қонун бузилиши натижасида етказилган 620 минг сўмлик моддий ва 200 минг сўмлик маънавий зарар айбдор шахслардан ундириб берилди. Худди шундай ҳолат бўйича мазкур тумандаги «Тешабой» фермер хўжалиги фойдасига ҳам 392 минг 612 сўмлик моддий ва 200 минг сўмлик маънавий зарар ундириб берилди.

Ҳозирги кунда адлия идоралари фермер хўжаликларига ер майдонларининг ажратилиши ва ерларни олиб қўйилишида амалдаги қонунчиликнинг қай тарзда бажарилишига асосий эътиборни қаратмоқда.

«Туркистон-пресс».

Муносабат

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

шаклланишида табаррук кексаларимиз ўрни беқиёсдир

Ёшларнинг баркамоллиги, уларнинг Ватан ва халқ олдидаги ўз фарзандлик бурчларини нечоғлик яхши англаши, ҳаётга ёниқ қалб билан қараши, меҳнатга онгли муносабатда бўлиши касаба уюшмаларининг пировард мақсадларига ҳамоҳангдир. Жамоа шартномаларида меҳнат кишисининг, жумладан, ёшларнинг маънавияти, иш ва дам олиш шароити, соғломлаштириш ва ниҳоят, ҳуқуқий ҳимояси қамраб олингани бежиз эмас.

Миллий маънавиятимизни шакллантиришда халқимизнинг бой тажрибасидан оқилона фойдаланишимиз жоиз. Маълумки, маҳалла жамиятимизнинг ажралмас қисмидир. Инсон катта ҳаёт бўсағасида илк жамоат тарбиясини шу ердан олади, миллий ўзлигини англайди. Маҳалланинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, йигит-қизларнинг юриш-туриши, оналар ва фарзандларнинг муаммолари фаоллар кўз ўнгида бўлади.

Шу ўринда бир фикрни ўртага ташламоқчиман: йигит-қизларнинг бир қисми ўрта мактабни тамомлагач, бўш қолишяпти. Бу ҳол ҳар хил кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Зеро мактабдан кейинги тарбиявий ишларни мунтазам йўлга қўйиш даркор. Бунда маҳалладаги отахон-онахонларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан янада кенгроқ фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, кексаларга чуқур ҳурмат, уларнинг ўгитини тинглаш, назаридан қолмаслик — энг қадимий миллий анъаналаримиздан бири бўлиб келган.

Мен жамиятимизнинг навқирон бир аъзоси сифатида тенгдошларимнинг ижтимоий ҳаракатини тузиш ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайман. Мазкур ташкилотнинг келгусида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсадимизни рўёбга чиқаришда салмоқли ҳисса қўшишига ишонаман.

А.УЗОҚЖОНОВ,
Андижон вилояти енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси бўлим мудири.



ФОТОАЙБНОМА

Халқимизда қарс икки қўлдан, деган нақл бор. Лўнда ифодалаганда, бирон корхона, хўжалик ёки ташкилот раҳбари ишловчилардан кутилган самарани талаб қилишдан олдин уларга қулай иш шароитлари яратиши лозим. Меҳнат қадрланган, ижтимоий ҳимоя намунали йўлга қўйилган жойлардагина кўзланган мақсадга эришилади.

Бахтга қарши ҳозирги кунда Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг қатор хўжаликларида чорвадорларга яратилган шароит кўпчиликни ташвишлантирмоқда. Тармоққа панжа орасидан қаралаётганлиги натижасида чорва бош сони камайиб, даромаддан барака қочмоқда. Соҳа ходимларининг яхши ишлаб, кўнгилли дам олишлари учун шароит яратилмаган. Катта маблағ сарфлаб келтирилган техникалар қантариб қўйилган. Бинолар эскириб яроқсиз ҳолга келмоқда.

Суратларда: А.Отабоев номли ҳамда М.Умаров номли ширкат хўжаликлари чорвачилик фермасидаги бугунги аҳвол.

Ш.ОЛИМОВ,
(ЎзА) олган суратлар.

«ДЕСАМ: БУ СУ ТУЗОТУР ФИКР ҚАСРИНИ...»

НАВОИЙХОНЛИК

560

Хуш ул майеки, эмастур сафову лавн ичра,
Тамуғ ўти била жаннат суйиға ул мақдур.

Илоҳий ишқ, илоҳий иноят рамзи бўлган майнинг ранги тиниқ бўлмаса ҳам у дўзах ўти билан жаннат суви қудратига тенг, - дейди шоир. Чунки дўзах ўти инсонга қанчалик азоб етказса, ишқ оташи ҳам ундан қолишмайди. Жаннат суви кишига нечоғли тириклик бахш этса, ишқда ҳам шу қадар боқийлик топиш мумкин. Чунончи, ишқ сарбони бўлмиш Мажнун балою азобларга гирифтор бўлиб, оқибатда ишқда абадийлик топган эди. Ишқнинг бу ҳолларидан зорланган Юнус Эмро ҳам «Кел, кўр мани ишқ найлади», деб ёзади.

Навоий олдинги фикрларга ҳамоҳанг тарзда кейинги байтда шундай дейди:

Десам: бу ўт кул этар ғусса хирманин — не ажаб?
Десам: бу су тузотур фикр қасрини — не қусур?

Энди шоир ишқ сўзини май тимсоли билан эмас, бошқача тарзда ифода этади. Бунда ишқнинг юқорида баён этилган хусусияти асосдир. Яъни, бу ўт — ишқ «ғусса хирманин» кул этса, бу сув (ишқ) фикр қасрини тузса не ажаб?! Хўш, ишқ «ғусса хирманин» қандай кул этади? Байтда ғусса — дунёвий қайғулар маъносида келган. Ишқ кўнгилга макон тутар экан, ундан бу қайғулар ўз-ўзидан четлашади. Демак, ишқ ўти бу «хирман»ни кул қилади. Ишқ туфайли ошиқ ўз-ўзини англай бошлайди. Кўнгил ҳолига назар солади, бу эса «фикр қасрини» тузатишдир.

Жаҳон ғамию узум бодаси гумон қилманг,
Ки зоҳир аҳлиға бу маъни этти бўйла зуҳур.

Шоир шунгача ифода этган фикрларига ушбу ўринда гўё изоҳ киритади. Чунончи: мен тилга олган ғамни жаҳон дарди, бодани эса узумнинг суви, деб ўйламанг. Буни зоҳир аҳли — ашёнинг фақатгина ташқи томонини кўриб хулоса чиқарадиганларгина шундай тушунади, - дейди.

Кейинги байтда эса ботин аҳли — нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини, ҳақиқати ва сабабларини кашф йўли ва қалб кўзи билан кўрадиганлар буни қандай тушуниши баён этилади.

Валек аҳли ҳақиқатга май эрур ваҳдат,
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгулга хутур.

Демак, зоҳир аҳли учун узум суви бўлган бода «аҳли ҳақиқат» учун ваҳдатни ифода этар экан. Ваҳдат — тасаввуфга доир рисолаларда шарҳланишича, Парвардигорнинг яккаю ягона вужуд деб билмоқ ва шу Бирликка интилмоқдир. Тавҳид илми уч хилдир: бири — Ҳақнинг ўзига йўналган Ҳақ илми, яъни Унинг яккаю ягоналиги илми; иккинчиси — халққа йўналтирилган Ҳақ илми, яъни Унинг тавҳид ҳақидаги ҳукмлари ва бандаси кўнглига тавҳидни етказиш илми; учинчиси — халқнинг Ҳаққа йўналган тавҳиди, яъни кишиларнинг Худо ваҳдониятига етишиш илми.

Аҳли ботин учун кўнгилга хатар солувчи ғам бу касрат. Касрат — кўплик олами бўлиб, Бирлик (Ваҳдат)нинг зиддидир. Касрат олами ўз-ўзича яшай олмайди, у ваҳдат оламининг аёнлашуви, инъикоси.

Ичилса соқийи тавфиқ илгидин ул май Кўнгул бу ғамдин эмас, шубҳаким бўлур маҳжур.

Соқийи тавфиқ — муршиди комил, пири тариқат. Яъни, қалби илоҳий файз ва муҳаббатдан тўлиғ бўлган комил инсон тарбиясида бўлиш, унинг суҳбатидан баҳра олиш кўнгилдан ёр изтиробини эмас, шубҳани йироқ этади. Шубҳа — ишқ душмани. У барҳам топгач, кўнгилда ишонч уйғонади. Кўнгилда ишонч ҳиссининг уйғонишига сабаб «май» эканлигини англаган шоир:

Манга бу май била бир жом келтур, эй соқий Ки кўнглум ул ғам аро бўлмиш асру кўп ранжур, -

дейди. Май сирининг ҳақиқатига етган лирик қаҳрамон тариқат шайхидан «май» билан «жом» келтиришни сўрайди, токи кўзгуга боқиб ўзлигини англасин. Май — ишқ, жом эса ориф қалбининг тимсоли. Кўнгилнинг «ғам»и эса шуларга етмоқдир. Чунки, у ишқда жуда кўп азият, ранж тортган. Кўнгил эса шу озорларга илоҳий ишқ нури ёғилиб турган пири комил қалбидан малҳам топмоқчидир.

Маломат аҳлиға, эй пири дайр, аёғ тутсанг, Бу навъ қўйма Навоийни бир йўли мастур.

Маломат аҳли — нафсни қийнаш ва хорлаш билан, иллатлардан қутилиб маънан юксалган кишилар. Пири дайр — комил йўлбошчи. Аёғ — қадаҳ, маънавий ҳол, шавқ, жазба, байтда эса илоҳий ишқ тўла висол маъносида келган. Шоир: «Эй шайх, илоҳий ишқ тўла висол қадаҳидан маломатийларга тутганда Навоийни ҳам хотирдан чиқарма», - дейди. Бу билан шоир ўзини ҳақиқий маломатийларга хайрихоҳлигини ҳам акс эттирган, дейиш мумкин.

Хуллас, мутафаккир шоир тилга олган «бода», «дўзах ўти», «жаннат суви», «соқий» ва «ғам»дан мақсад инсон маънавий ҳаёти, тирикликнинг бош асоси бўлган кўнгилга юз буриш, унинг сир-асрорларини кашф қилишдир. Чунки кўнгилни тўғри англаб етган кишининг туйғу ва фикрлари, хаёл ва орзулари бағоят юксак бўлади. Зеро, инсонлик шарафи ҳам шу билан қимматлидир.

Насиба БОЗОРОВА,
А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспиранти.

(Боши газетамизнинг 52-сонида)

(Боши ўтган сонда)

МЕЗБОН БАШОРАТИ

Темурбекнинг ёшлиги чингизийларнинг мустамлакачилик йилларига, мамлакат инқирозга юз тутган оғир даврларга тўғри келди. Зулм исканжасида бўғилган эли, вайрон бўлган Ватани озодлиги учун у дунёга юз буришга мажбур эди.

Мустақиллик, озодлик бундай фикрларни баралла айтишимизга имкон берди. Қолаверса, ўша давр асл ҳақиқати худди шу тарзда кечган эди.

Темурбекнинг яна бир истеъдоди - ёш йигит умр йўлини, мақсадини, қобилиятига яраша ҳаёт ва умр йўналишларини тўғри белгилай олди. Инсон фарзанди учун бу жуда муҳим жиҳатдир. Айримлар эса умр бўйи ўз йўлини тополмай, ҳаёт сўқмоқлари, чангалзорлари аро сарсон-саргардон кезиб, охир-оқибат хароб бўладилар.

Темурбекнинг яна бир хислатини — дўстлар танлай билиш одатини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Зеро, унинг қирқ нафар тенгдоши ўзига ўхшаган довюрак, замонни тушунадиган, эл-юрти учун жонини берадиган йигитлар эди. Амир ҳожи Сайфиддин, Умар Аббос, Жоку Барлос, Идуки Темур, амир Сулаймон, амир Довуд Барлос, амир Муайят Арлослар ўша замон вазир ва амирларининг фарзандлари бўлиб, Темур билан бирга юрт озодлиги учун курашишга қасамёд қилган эдилар.

Амир Темурга душманлик кўзи билан қараган муаррихлар бу масалага «қалам қўлимда», дея ўзларича тескари ёндошганлар. Бундай нотўғри қарашлар, минг афсус ва надоматлар бўлсинки, Овропага ҳам сингиб улгурган эди. Шўро тарихчилари бу каби чўпчакларни дастак қилиб олдилар. Шу тариқа у «қонхўр», «босқинчи» ва «саводсиз»га айлантирилди. Лекин ўзбек давлатчилиги тарихига назар ташласак, ҳеч бир хат-саводсиз кимса соҳибқирон даражасига чиқиш у ёқда турсин, ҳатто давлат тепасига ҳам келолмаган. Шарқ нозик санъат, сиру синоатларга бой. Ҳамма ҳам унинг сирли эшикларини очолмайди. Демоқчимизки, Шарқ ҳақида сўз айтмоқчи бўлган олим Шарқона ёндошсагина, ҳақиқатни айтишга эришади.

Ҳерман Вамбери Темурнинг тиниқ ва очиқ турк шевасида ёзганлигини айтиб, «Темур тузуклари»ни мисол келтиради. Унинг бошқа фаолиятларида ҳам бунга етарлича далиллар бор. Чунончи, Амир Темур бирор мамлакатга юриш олдидан тирик гувоҳлардан ташқари ўша мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ҳолатларини, ёзма манбааларини шахсан ўрганиб, турли маълумот ва ҳужжатларни аниқ ўзлаштириб, тегишли хулосалар чиқарган, ҳатто у сарой муаррихлари асарларини қайта таҳрир қилар, тузатар, уларга қўшимчалар киргизарди. Бошқа жиҳати, Амир Темур билан суҳбатда бўлган жаҳоннинг энг нуфузли олимлари, тарихчилари унинг билими ва дунёқарашларидан ҳайратга тушардилар, ҳатто шундай суҳбатлардан сўнг унга алоҳида ихлос қўярдилар.

Унинг билимдон ва ўта хассос нотиқ бўлганлигини Алишер Навоийдек сўз мулкининг султони ҳам тан олган. Соҳибқирон Амир Темурнинг ёшлик йиллари, салтанати ҳақида хато фикрлар билдирган кимсаларнинг юзи тарих олдида қора бўлиб қолаверади.

Амир Темур сиёсат майдонига кирган пайтда ҳар томонлама етук куч-қудратда тенгсиз, маънан баркамол шахс бўлган.

Худоёр МАМАТОВ,
А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети катта ўқитувчиси.

«БУЛБУЛЧА» ЎТТИЗ ЁШДА

Бундан ўттиз йил муқаддам болаларнинг севимли ижодий гуруҳи «Булбулча» ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ҳузурида фаолият кўрсатаётган республика болалар хори жамоаси шу ўтган йилларда талайгина ижодий сафарларда бўлди. Болтиқбўйи республикалари қўшиқлар байрамида қатнашди. Турли кўрик-танловлар ғолиби бўлди.

Хор жамоаси таркибида ташкил топган эстрада-ашула гуруҳлари «Диёр», «Ҳилол» ҳамда рақс гуруҳи қатор концерт дастурларини тайёрлади.

Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов бадиий раҳбарлигидаги саҳналаштирилган мусиқали томошалар хор жамоаси репертуаридан мустаҳкам ўрин олди.

«Булбулча» ўз байрамини янги ижодий режалар билан кутиб олди. Янги тайёрланган концерт дастури «Бахтли болалик мадҳи» деб номланди.

НУФУЗЛИ НАШР

Европада 2001 йил - чет тиллар бўйича умумевропа йили деб эълон қилинганидан хабарингиз бор. Бу халқаро муҳим маърифий сана муносабати билан мамлакатимизда ҳам хорижий тилларни ўрганишга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Бугунги кун дунёсида чет тиллар: ўқитиш методикаси эволюцияси» деб номланган янги монографиянинг чоп этилиши ҳам айни муддао бўлди. Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг профессорлари Юсуф Абдуллаев ҳамда Анатолий Бушуйларнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижаси ўлароқ юзага келган бу йирик монографияда Европа тилларини ўрганиш ва ўқитиш билан боғлиқ бўлган қатор муҳим таълимий масалалар ўз ифодасини топди.

А.АЛИЕВ.

Саломатлик нафақат инсонларнинг, балки жамиятнинг, улар фаолият кўрсатадиган жамоанинг ҳам бойлигидир. Соғлом инсонгина баракали меҳнат қилади. Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекстил» акционерлик жамияти касаба уюшмаси ана шу ақидага амал қилиб, 900 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, саломатликларини тиклашда ҳамиша ташаббускор бўлмоқда. Яқинда фабрика тиббий пункти замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланди. Эндиликда шу ернинг ўзида ишчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мумкин.

Суратда: катта ҳамшира Зулхумор Мардиева муолажа пайтида.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

МОДА БАЙРАМИГА МАРҲАБО

Шу йилнинг июн ойида Тошкентда «Зумрад ранг ҳудуд» Халқаро юксак мода форуми ўтказилади. Республика Модалар уйида ўтказилган матбуот анжумани ана шу муҳим тадбирга бағишланди.

Ушбу форум Ўзбекистондаги Рус Маданий маркази, Европа давлатлари элчихоналари кўмаги ҳамда Республика Модалар уйининг бевосита иштирокида «Интерпремьерфильм» киноконцерни томонидан ташкил этилаётир.

- «Зумрад ранг ҳудуд» юксак мода байрамини ўтказишдан асосий мақсад Шарқ, хусусан Ўзбекистон халқларининг бой ва ранг-баранг маданий, тарихий ва этнографик меросини дунё ҳамжамиятига танитиш, — деди ташкилий қўмита раиси «Интерпремьерфильм» киноконцерни раҳбари Александр Малеев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шу билан бирга мазкур анжуман республика модел бизнеси иқтидорли вакилларининг кенг ижодий имкониятларини очишга ҳам ёрдам беради. Форум икки босқичдан иборат бўлиб, дастлабки босқич асосий анжуман иштирокчиларини танлаб олишга ёрдам беради. Кейинги босқич тўрт кун давом этиб, ҳар бир кун алоҳида йўналиш бўйича кийимлар намойишига бағишланади. Шунингдек, анжуман дастури доирасида юртимиз ҳамда хорижлик таниқли модельерларнинг эксклюзив тўпламлари ҳам намойиш этилади. Тадбир давомида заргарлик буюмлари кўргазмаси, атир-упа маҳсулотлари, уяли алоқа ускуналари ҳамда компьютерлар ва бошқа оргтехника савдосини ташкил этиш кўзда тутилган.

— Бундан ташқари, юртимиз модельерлари ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа тўғрисида ҳужжатли-бадиий фильм яратишни режалаштирганмиз, — таъкидлади А.Малеев. — Ушбу фильм МДҲ ҳамда Европанинг етакчи телеканаллари орқали намойиш этилади. Бунинг учун ҳозирданоқ киноконцернимиз қатор элчихона ва хориж ваколатхоналари билан музокаралар олиб бормоқда. Форум ўтказилганидан кейин эса «Зумрад ранг ҳудуд» жамғармаси ташкил этишни мўлжаллаганмиз.

Форумга польшалик машҳур кинорежиссёрлар Ежи Хоффман ва Кшиштоф Занусси, россиялик киноюлдузлар Лариса Удовиченко, Александр Абдулов, Александр Збруев, Дмитрий Певцов ҳамда таниқли модельер ва дизайнер Вячеслав Зайцевлар таклиф этилган.

Спорт оламида шарқ якка кураши турлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу боисми, мамлакатимизда сўнгги йилларда спортнинг бу турлари билан шуғулланувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Андижон вилоятидаги каратэ клублари эса ёшлар ўртасида шарқ якка курашларини тарғиб этиш, оммавийлаштириш ва ривожлантириш борасида бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

КАРАТЭЧИЛАР ПАРВОЗИ

Асака шаҳридаги «Исмоил» каратэ спорт клуби етти йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Дастлаб ташкил этилган секцияга бор-йўғи 30 нафар бола жалб қилинган эди. Йиллар ўтиши билан ушбу секция негизида спорт клуби тузилди. Эндиликда 200 нафардан зиёд йигит-қизлар машғулотларда қатнашмоқда. Қувонарлиси, улар турли нуфуздаги мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Ушбу муваффақиятларда мураббий, 3-дан қорабелбоғ соҳиби Исмоилжон Хўжаевнинг хизматлари катта, албатта.

— Биринчи устозим миллий каратэ федерациясининг бош мураббийси, 5-дан қорабелбоғ соҳиби Хўжамқул Хўжақулов, — дейди Исмоилжон Хўжаев. — Икки марта республика чемпионлигини, бир марта мамлакат кубогини қўлга киритдим. Қатор халқаро турнирларда менга омад кулиб боқди. Айни пайтда ёшларга каратэ сирларини ўргатмоқдаман. Ҳаётбек Матбобоев, Шавкатбек Зокиров, Акмал Рўзиев, Фарҳод Мақсудов, Ҳусанбой Каримов сингари истеъдодли шогирдларимдан умидим катта.

Дарвоқе, ёш каратэчиларнинг устозлари Исмоилжон Хўжаев раҳбарлигида эришаётган ютуқларидан ота-оналар ҳам ғоят хушнудлар.

— Фарзандларимизнинг машғулотларини тез-тез кузатиб борамиз, — дейди иқтидорли ёш спортчи Аҳмадбекнинг отаси Мурод Ашуров. — Пойтахтимизда бўлиб ўтган республика чемпионатида уларга ҳамроҳлик қилдик. Фарзандларимиз бизни уялтиришмади. Хусусан, ўғлим Аҳмадбек республика чемпиони деган шарафли номга эга бўлди.

Кези келганда айтиш керакки, каратэ нафақат ёшларнинг жисмоний жиҳатдан чиниқтиради, балки ўғил-қизларимизнинг маънавий камолотга эришишларида ҳам муҳим рол ўйнайди. Буни ёш спортчиларнинг бир-бирлари билан бўлган муносабатларидан ҳам илғаб олиш мумкин. Зеро, спортнинг шу тури билан шуғулланган ёшларда шарқликларга хос фазилатлар мужассам, десак асло муболаға бўлмайди.

— Ҳаётингиздаги қувончли дамларни эслай оласизми? — дея мурожаат қиламиз ёш спортчиларнинг устозига.

— Бундай дамлар кўп бўлган, — дея кулимсираб қўяди Исмоилжон. — Энг аввал, фарзандларим дунёга келганида жуда хурсанд бўлганман. Кейин шогирдларим мамлакат чемпионатида шоҳсупага кўтарилганида севинчимга севинч қўшилган. Менимча, мураббий учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Муҳаммаджон КАРИМОВ.

НАВРЎЗ ҚУВОНЧЛАРИ

Яқинда муҳташам «Туркистон» саройида Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан соҳа ходимлари учун Наврўзи оламга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирни қўмита раиси Зиёдулло Худойбердиев очиб, барча қатнашчиларни баҳор байрами билан қизғин табриклади. Бир гуруҳ касаба уюшма фаоллари эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

Байрам тадбирига таклиф этилган «Ором» болалар дастаси, «Фирдавс» гуруҳи ва эстрада юлдузларидан Лариса Москалёва, Аваз Олимовлар ўзларининг чиқишлари билан кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Ғ.ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Туроп Холтоевич ХОЛТОЕВга ўғли **КОМОЛИДДИН**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6